

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АХРОРХУЖАЕВ НОДИРХОН ШАХОБИДДИН ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАНУБИЙ ХУДУДЛАРИДА  
ЯШОВЧИ МАКТАБ ЁШИГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАРНИНГ  
СТОМАТОЛОГИК СТАТУСИ ВА ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ахрорхужаев Нодирхон Шахобиддин ўғли**

Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларида яшовчи мактаб ёшигача бўлган болаларнинг стоматологик статуси ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш..... 3

**Ахрорхужаев Нодирхон Шахобиддин угли**

Стоматологический статус детей дошкольного возраста, проживающих в южных регионах Республики Узбекистан и разработка профилактических мероприятий..... 25

**Akrorkhujaev Nodirkhon Shakhabiddin ogli**

Stomatological status of children at preschool age living in the southern regions of the Republic of Uzbekistan and development of preventive measures..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works

..... 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АХРОРХУЖАЕВ НОДИРХОН ШАХОБИДДИН ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА  
ЯШОВЧИ МАКТАБ ЁШИГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАРНИНГ  
СТОМАТОЛОГИК СТАТУСИ ВА ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Tib766 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsdi.uz](http://www.tsdi.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Муртазаев Саидмуродхон Саидаълоевич</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Гулямов Суръат Саидвалиевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Каськова Людмила Федоровна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор (Украина)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>С.М.Асфандияров номидаги Қозоқ давлат тиббиёт университети (Қозоғистон)</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65, e-mail: [uzmedicine@mail.ru](mailto:uzmedicine@mail.ru))

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65, e-mail: [uzmedicine@mail.ru](mailto:uzmedicine@mail.ru); факс: (+99871) 230-47-99.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.К.Хайдаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Л.Э. Хасанова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**О.Е. Бекжанова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда аҳолини энг аҳамиятли қисми ҳисобланган мактабгача таълим ёшидаги болалар ўртасида стоматологик касалликларни замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари кашф этилишига қарамасдан тиш кариеси касаллиги кун сайин ортиб бормоқда. Қатор касалликларнинг тарқалишини баҳолашда минтақанинг иқлим-географик, экологик, ижтимоий ҳолатни мажмуавий баҳолаш асосида ўтказилиши мумкин. Боланинг саломатлигига, шу жумладан, стоматологик статусига кўплаб ижтимоий, экологик ва табиий-географик характердаги омиллар таъсир этади. Илмий манбаларда келтирилишича «...замонавий тиббий ва ижтимоий изланишларга асосан, охирги ўн йилликда аҳоли саломатлигининг асосий кўрсаткичларини ёмонлашуви, ўлим даражасини ортиши, туғилиш ва ҳаётнинг ўртача давомийлик кўрсаткичларининг пасайиши билан кечадиган салбий мойилликларни сақланиб бориши, инсон популяцияси саломатлигига таъсир этиб келмоқда ...»<sup>1</sup>. Бу борада болалар стоматологиясини Оврупа соғлиқни сақлаш тизимида хос бўлган тартибга тезкор ўтиши муносабати билан стоматологик ёрдамни ҳаёт сифатига мос равишда режалаштириш, ташкил этиш ва молиялаштириш, стоматологик давога эҳтиёжи бўлган болалар сонини ортиб бориши долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг стоматологик статуси баҳолаш ва профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқишни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада турли ҳудудларнинг экологик ҳолатининг издан чиқиш, саноат корхоналаридан ажраладиган зарарли газларнинг салбий таъсири орқали мактабгача таълим ёшидаги болалар ўртасида стоматологик статусини бузилишини олдини олиш, болалар оғиз бўшлиғи суяқлиги таркибини касаллик ривожланишига боғлиқлиги, микроэлементлар етишмаслиги оқибатида юзага келадиган тиш касалликларининг ривожланишида тутган ўрнини баён этиш, касалликларни эрта ташхислаш ҳамда соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган даволаш тизимини яратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш хизматини такомиллаштириш, жумладан, турли омиллар таъсирида стоматологик касалликларнинг кўпайишини олдини олиш, ташхислаш, даволаш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам

---

<sup>1</sup>Кисельникова Л.П. Влияние состояния полости рта на качество жизни детей 7-10 летнего возраста // Тихоокеанский медицинский журнал. – 2013. – № 1. - С.42-44.

тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларида яшовчи мактаб ёшигача бўлган болаларнинг стоматологик статуси ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш орқали болалардаги фаолият турларни тиклаш, саломатлик ҳолатини яхшилаш, уларнинг ўсиш ва ривожланишини яхшилаш, соматик касалликларни олдини олишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3440-сон «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Турли муаллифларнинг илмий тадқиқотларида болаларда ривожланадиган тиш кариесини олдини олишдаги восита сифатида – организмдаги фаол фтор микроэлементи таъсирига урғу берилган (О.В. Колесова 2010; Т.Н. Терехова, И.К. Луцкая, 2015; G. Kilinc 2016). Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда фтор сақловчи воситалардан эндоген тарзда тизимли фойдаланиш, фторидларни организмга озик овқатлар билан (ичимлик суви, сут, тузни фторлаш) ёки шифокор тавсияси бўйича ичишга тавсия этиладиган дори воситаларини (натрий фторид таблеткалари) кўзда тутати. Усулнинг самарадорлиги кариес жадаллигини 50-60% га пасайиши билан баҳоланади (J.N. Douglass, A.V. Douglass, H.J. Silk 2010). Тишлар кариесини олдини олишдаги энг кўп ўрганилган воситалардан бири фтор ҳисобланади, у юқори фаол галоген бўлиб, унинг миқдорга боғлиқ ҳолда инсон организмга позитив ёки негатив таъсир кўрсатади. Миқдорга боғлиқ бўлган бундай самарадорлик аксарият кимёвий ва физик омиллар – кислород, қуёш нури, иссиқлик учун хосдир. Фтор бирикмаларининг кариесга қарши таъсир механизми, тиш эмалини кариесга турғунлигини гидроксикальций-фторapatит ҳосил қилиб ошириш қобилияти билан боғланади. Шунингдек, фторидлар тишлардаги модда

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

алмашинувини меъёрлаштиради. Бундан ташқари улар оғиз бўшлиғида микроорганизмлар ўсишини, уларни тиш юзасига адгезиясини пасайтиради, демак, тишларни емирувчи кислотани ҳосил бўлиш тезлигини пасайтиради. Кариесни олдини олиш учун фторнинг ноорганик ва органик бирикмаларидан фойдаланилади (Т.Н. Терехова 2008, Т.В. Попруженко 2009). 1945-1972 йилларгача 20 мамлакатда ичимлик суви таркибидаги фтор миқдорини 95та лойиҳа асосида таҳлил қилинди. Бу даврда доимий тишлар кариесининг редуцияси 29 дан 85%гача, ўртача 55,6% ни ташкил этди. Бу эса ўз ўрнида ушбу йўналишда тадқиқотларни амалга ошириш ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Ўзбекистонда болалар ўртасида турли омиллар таъсирида ривожланадиган тиш касалликларини ташхислаш, самарали даволаш ва олдини олиш борасида, шунингдек, мактабгача таълим ташкилоти болаларида оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати ва сўлакнинг биокимёвий кўрсаткичларига таъсири самарадорлиги баҳолашга қаратилган бир қатор илмий изланишлар (Ж.А. Ризаев 2018; С.Х. Юсупов 2000; С.А. Гаффоров 2004; О.О. Яриева 2019; О.С. Юлдашхонова 2010; Ш.Б. Даминова 2018; Ш.А. Зокирхонова 2018) олиб борилган, бироқ, ушбу изланишлар Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларида яшовчи мактабгача таълим ёшида бўлган болаларнинг стоматологик статуси ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича тўлиқ ва етарли даражадаги маълумотлар олиш имконини бермайди.

Республиканинг жанубий ҳудудларида истиқомат қилувчи мактабгача таълим ёшдаги болаларда кариесни тарқалиши ва жадаллиги, ушбу ҳудудлардаги ичимлик суви ва тупроқдаги микроэлементларнинг нисбати, шу ҳудудларда яшовчи болаларда оғиз суюқлигининг биокимёвий кўрсаткичлари тўғрисида илмий асосланган маълумотлар ва мактабгача таълим ёшидаги болаларда кариесга қарши чора-тадбирлар мажмуасига оид маълумотлар етарли эмас. Ўзбекистон Республикасининг жанубий ва шарқий ҳудудларида яшайдиган мактабгача таълим ёшдаги болаларда юқорида келтирилиб ўтилган кўрсаткичларни ўз вақтида, ижтимоий самарадорлик жиҳатдан қулай бўлган усуллар билан кариесни олдини олиш тадбирларини такомиллаштириш ҳозирги кунда болалар стоматологиясининг долзарб муаммоларидан бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 011400196 «Ташқи муҳит омиллари таъсирини ҳисобга олиб, асосий стоматологик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2014-2018 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларида истиқомат қилувчи мактабгача ёшдаги болаларда стоматологик статусни ўрганиш ва даволаш профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишни такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларида истиқомат қилувчи мактабгача ёшдаги болаларда стоматологик статусини баҳолаш;

Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларидаги сув ва тупроқ намуналарининг кимёвий таҳлилини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларида истиқомат қилувчи мактабгача ёшдаги болалар оғиз бўшлиғи суюқлигининг физик-кимёвий хусусиятларини баҳолаш;

мактабгача таълим 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар ўртасида профилактик чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган 280 нафар болалар олинган. Қашқадарё вилоятининг турли туманларида истиқомат қилаётган мактабгача таълим ёшидаги 240 нафар (129 нафар ўғил болалар ва 111 нафар қиз болалар) болалар асосий гуруҳга, назорат гуруҳи сифатида эса Сурхондарё вилояти Бойсун туманининг тоғли ҳудудида истиқомат қилувчи мактабгача таълим ёшидаги 40 нафар (23 нафар ўғил болалар ва 17 нафар қиз болалар) болалар жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** мактабгача ёшдаги болаларнинг оғиз бўшлиғи суюқлиги, мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларидан олинган тупроқ, сув намуналари ва мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг сўлаги ва унинг таркиби баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, биокимёвий, гигиеник, кимёвий, биофизик ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси жанубий ҳудудида яшовчи болалар аралаш сўлагидагидаги фтор, кальций ва фосфор микроэлементлари ҳамда водород ионлари концентрациясини кислотали томонга силжиши натижасида деминерализация ўчоқлари ҳосил бўлиши билан кечувчи кариес касаллигини ривожланиш патогенези исботланган;

болалар оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати, сўлакнинг рН муҳити, сув ва тупроқ таркибидаги оғир метал ва тузларининг миқдорини ортиши, нокариес касалликларни ривожланиши ва пародонт тўқимасининг патологик ўзгаришларга таъсири аниқланган;

мактабгача таълим ёшидаги болаларда кариесни олдини олиш мақсадида эндоген фтор профилактика комплексидан фойдаланиш натижасида сўлакнинг минерализацияловчи потенциали, биокимёвий кўрсаткичларини барқарорлашишини таъминлаш орқали касалликни олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

таклиф этилаётган кариес профилактикаси мажмуаси болалар тиш эмалидаги деминерализация жараёнини тўхтатиб, кариес тарқалишининг редукция кўрсаткичи 46,6% га пасайтириш натижасида кариес касаллигини олдини олиш самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фторидлар етишмайдиган биогеохимёвий шароитда истиқомат қилувчи мактабгача ёшидаги болалар жуда эрта даврда ва юқори даражада тишлар кариесини ривожланиш хавфи юзага келганлиги баҳоланган;

Ўзбекистон Республиканинг жанубий ҳудудларида истиқомат қилувчи мактабгача ёшдаги болаларда тишлар кариесини эндоген олдини олиш усуллари ишлаб чиқилган;

кариесоген омилларни бартараф этиш ва шу билан мазкур тоифа болаларда тишлар кариесини жадаллиги ва тарқалишини камайтирилганлиги баҳоланган;

тишлар кариесини юзага келиш хавфи омилларини аниқлаш мақсадида мактабгача ёшдаги болаларда диспансер кузатувини ўтказишда ичимлик суви ва оғиз бўшлиғи суюқлигини текшириш усуллари самарли фойдаланиш тартиби очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, биохимёвий, гигиеник, кимёвий, биофизик ва статистик усуллар ёрдамида текширилганлиги, жанубий ҳудудларида яшовчи мактаб ёшгача бўлган болаларнинг стоматологик статуси ва профилактик чора-тадбирлари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ичимлик сувидаги фтор концентрацияси ўртасидаги сезиларли алоқа тўғрисида далолат берувчи жанубий ҳудудларида истиқомат қилувчи уюшган болалар жамоаларида, мактабгача ёшдаги 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларда стоматологик статуснинг эпидемиологик маълумотларини баҳолашнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки ичимлик сувида фторнинг миқдори кам бўлган эндемик ҳудудларда истиқомат қилувчи болалар тиш кариесини ялпи эндоген профилактикасига қаратилган олдини олиш чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқилганлиги кариес ва нокариес касалликларни ривожланиш кўрсаткичларини самарали тизими ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларида яшовчи мактаб ёшигача бўлган болаларнинг стоматологик статуси ва профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳудуднинг сув ва тупроқ таркибининг оғир метал тузлари билан ифлосланишини олдини олишга қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Сув ва тупроқни оғир металлар билан ифлосланишини эпидемиологияси даражасига боғлиқ ҳолда стоматологик статусни аниқлаш

усуллари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги 8н-д/248-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сув ва тупроқни оғир металллар билан ифлосланишини эпидемиологияси даражасига боғлиқ ҳолда мактабгача таълим ёшидаги болаларда стоматологик статусни баҳолаш, оғиз бўшлиғининг ҳолати ва касалликларини эрта ташхислаш ва даволаш тактикаси танлаш орқали стоматологик статусини яхшилаш имконини берган;

Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларида яшовчи мактаб ёшигача бўлган болаларнинг стоматологик статусини яхшилаш ва профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий натижалар асосида «Мактабгача ёшдаги болаларда тишлар кариесини олдини олиш усуллари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги 8н-д/248-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сув ва тупроқнинг оғир металллар билан ифлосланиши болаларда стоматологик статусини бузилиши натижасида тиш кариесини эрта ташхислаш ва даволаш тактикаси танлаш имконини берган;

жанубий ҳудудларда яшовчи мактаб ёшигача бўлган болаларнинг стоматологик статусини яхшилаш ва профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Қашқадарё вилояти болалар стоматологик поликлиникаси ҳамда Тошкент шаҳар 1-сонли болалар стоматологик поликлиникаси амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 февралдаги 8н-з/33-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши стоматологик статусни баҳолаш, оғиз бўшлиғи парвариши бўйича кўникмаларни шакллантириш ва намоён этиш, болаларда тишлар кариеси тарқалишини олдини олиш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш, болаларда тишлар кариеси асоратларини олдини олиш ва касалликни даволашга қаратилган харажатларнинг умумий қийматини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг стоматологик статусининг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларида яшовчи мактаб ёшигача бўлган болаларнинг стоматологик статуси ва профилактик чоратадбирларни ишлаб чиқиш мактабгача ёшдаги болаларда тишлар кариесини жадаллиги ва тарқалишини ўрганишга бағишланган маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлари маълумотларини батафсил таҳлил натижалари келтирилган. Болалардаги стоматологик касалликларни эколого-географик аспектлари ва уларни олдини олиш йўллари батафсил баён этилган. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда тишлар кариесини олдини олишнинг замонавий усуллари баҳо берилган. Мактабгача ёшдаги болаларга стоматологик ёрдам кўрсатиш даражасига таалукли бўлган муаммолар чуқур ўрганилган.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларида яшовчи мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг стоматологик статусини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширишнинг клиник усуллари—сўраб суриштириш, визуал ташхислаш, оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини аниқлаш, парадонт ҳолатини баҳолаш индекси баён этилган.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган 280 нафар болалар бўлди. Қашқадарё вилоятининг турли туманларида истиқомат қилаётган мактабгача таълим ёшидаги 240 нафар (129 нафар ўғил болалар ва 111 нафар қиз болалар) болалар асосий гуруҳга, назорат гуруҳи сифатида эса Сурхондарё вилояти Бойсун тумани тоғли ҳудудида истиқомат қилувчи 40 нафар (23 нафар ўғил ва 17 нафар қиз болалар) болалар жалб этилган.

Асосий гуруҳдаги умумий назорат олинган 240 нафар болаларнинг 102 нафари қиёсий гуруҳни, 138 нафари эса профилактик «Фторбаланс» таблеткаларни бир йил давомида қабул қилган болалардан иборат.

Текшириш вақтида умум қабул қилинган кетма-кетликка риоя қилинди: ташқи кўрик, тишлар жойлашини тишлар қаторини баҳолаш; оғиз бўшлиғи гигиенасини баҳолаш, тишларнинг қаттиқ тўқимасини ўрганиш. Гигиеник анамнезга: «бола тишларини қачон?, кунига неча марта ва нима билан тозалайди?».

Болаларда олиб борилган текширишлар натижасида аниқландики, барча болалар гигиеник кўникмаларга махсус индивидуал ўқитилмаган ва оғиз бўшлиғи гигиеник парвариши сифатини доимий равишда, синчковлик билан назорат қилишга мухтожлиги аниқланди.

Профилактик гуруҳдаги барча болаларга «Фторбаланс» таблеткалари, Тошкент давлат стоматология институти ва Ўзкимёфарм акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ишлаб чиққан натрий фторид таблеткалари киритилган кариесга қарши чора-тадбирлар мажмуаси буюрилди (ТИ 00481330-005:2020). Текшириш даврида барча болалар амалий жиҳатдан соғлом бўлиб, ёндош касалликлар мутахассислари ҳисобида турмаганларни ташкил қилди (1-расм).



### **1-расм. «Фторбаланс» таблеткасининг ташқи кўриниши ва ишлаб чиқиш шакли**

Болаларни текшириш табиий ёритилган шароитда стандарт стоматологик жамланма ёрдамида ўтказилди. Барча маълумотлар махсус анкета-сўровномасига киритилди, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари ёрдамида бола тўғрисида тўлиқ маълумотни олиш учун оналар ўртасида анкета сўровномаси ўтказилди.

Кариес жадаллигини оғиз бўшлиғи тишларини кпо ва КПО+кп индекслари ўртача белгиси бўйича аниқланди (ЖССТ). Тишлар кариесини тарқалганлиги—бу тишлар кариесини намоён бўлиш белгиларидан (кариесли, пломбаланган ёки олиб ташланган) жуда бўлмаганда биттасига эга бўлган шахслар сонини умумий текширилганлар сонига нисбатини фоизлардаги ифодаси ўрганилди. Оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини баҳолаш учун Ю.А.Федоров ва В.В.Володкина (1972) усули бўйича гигиеник индекс аниқланди. Гингивитнинг оғирлик даражасини баҳолаш учун (кейинчалик жараён динамикасини қайд этишда) папилляр-маргинал-альвеоляр индекс (РМА) қўлланилди. Мазкур индекснинг турли модификациялари таклиф этилди, аммо амалиётда кўпроқ Parma (1960) модификациясидаги РМА қўлланилди.

Тупроқнинг кимёвий таҳлили ДавСТ28168–89; сувнинг кимёвий таҳлили ДавСТ–43892, ДавСТ–18309, ДавСТ–31870, ДавСТ–4386.2 бўйича ўтказилди.

Оғиз бўшлиғи суюқлиги ва сувда фторидларнинг йиғинди концентрацияси потенциометрик усул билан аниқланди ( ДавСТ 4386-89).

Оғиз бўшлиғи суюқлигидаги кальций ва фосфор концентрацияси фотокалориметрик усул билан аниқланди. Бўялиш жадаллигини фотоэлектроколорифер ФЭК-56 ёрдамида ўлчанди. Ҳисоблаш калибр жадвали бўйича амалга оширилди. Оғиз бўшлиғи суюқлигидаги фосфорнинг қуйи чегараси 1,0 мг/лни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Қашқадарё худудида тупроқ ва сувни оғир металлар билан ифлосланиш даражасини гигиеник баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида тупроқни оғир металлар (ОМ) билан ифлосланиш даражасини ўрганиш баён этилган, бунда иккита тушунча: тупроқда оғир металларни ялпи ва ҳаракатчан шакллари таянилади. Аниқ ҳудуд кесимида табиий муҳитни оғир металлар билан ифлосланиш ареалларини аниқланиши, махсус меҳнат ва давомли тадқиқотларни талаб этади, шунинг учун атроф-муҳит ҳолатини умумий тавсифлаш учун биз Қашқадарё вилоятининг Қарши, Яккабоғ, Муборак, Деҳқонобод, Ғузор туманлари мисолида ўртача техноген юкламани аниқлаш воситасида билвосита баҳолаш усули қўлланилди, натижада болалардаги нокариес ва кариес касаллигининг тарқалганлиги ўрганилди.

Таҳлилий маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг геология ва минерал ресурслар бўйича давлат қўмитаси марказий лабораториясида ўтказилди (лаборатория мудири, М.М.Михайлов), бу 1 нормал концентрацияли  $\text{HNO}_3$  тортишга ўтувчи Cr, Cs, Rb, Zn ва Co кислотада эрувчи бирикмаларнинг миқдори унинг тупроқдаги миқдorigа яқинлигидан гувоҳлик беради. Ушбу экстрагент тупроққа тушувчи ОМларнинг 78-96% қисмини ажратиб олади. Элементларни мустақкам фиксациялаган бирикмаларини миқдори тупроқнинг хосилдорлик даражасига боғлиқ бўлади. Уларни кам культивацияланган чим босган кул ранг тупроқдаги миқдори, ўртача культивацияланган тупроқдагига нисбатан паст бўлади. Чимли кул ранг тупроқнинг культивацияланганлиги ўсиши билан оғир металларнинг ҳаракатчанлиги пасаяди, бу вақтда эса нордон тупроқда ҳаракатли бирикмаларнинг миқдори ортади.

Металларнинг ҳаракатли шакллари миқдори тупроқнинг рНи, таркиби ва физик-кимёвий хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Лаборатория тадқиқот натижаларини таҳлили ўрганилган ҳудудлар тупроғида ифлосланиш даражасини аниқлашга имкон берди. Демак, рухсат этилган миқдор (РЭМ)и 6,0 мг/кг бўлган хром (Cr) ионларини энг юқори миқдори, тупроқнинг 30-50 см чуқурлигидан олинган намуналарида Китоб туманида  $0,0451 \pm 0,0016$  мг/кг ва Яккабоғ туманида  $0,0411 \pm 0,001$  мг/кг қайд этилди, қолган кузатув зоналарида ҳам шунингдек, хромни РЭМдан паст миқдорда сақланиши кузатилди.

Олинган тупроқ намуналарида Рбнинг валли миқдорини таҳлили кўрсатдики, унинг кундалик концентрацияси фон даражасидан ёки ҳудудий

кларкдан ошмайди. Аниқландики, Қарши туманидаги тупроқнинг 0-30 см да Рb РЭМдан ошмайди, унинг миқдори  $0,2801 \pm 0,0104$  мг/кг га тенг. Ғузур туманидаги тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см чуқурликда кўрғошиннинг миқдори  $0,1900 \pm 0,0057$  ва  $0,1501 \pm 0,0053$  мг/кгга ўзгариб туради. Кимёвий мажмуа билан ёнма ён жойлашган Отқудуқ аҳоли яшаш ҳудудида тупроқ таркибида кўрғошин концентрацияси  $0,1301 \pm 0,0029$  мг/кг ни ташкил этди.

Барча ўрганилган зоналарда рухнинг (Zn) фон миқдори РЭМдан паст (фонни ҳисобга олиш билан қиёсий РЭМ 23 мг/кг га тенг) бўлди. Қиёсий нуқтаи назардан Китоб туманидаги тупроқда рух миқдори энг юқори ва 30-50 см чуқурликда  $0,1101 \pm 0,0031$  мг/кг, 0-30 см чуқурликда эса  $0,0250 \pm 0,0006$  мг/кг ни ташкил этди. Яккабоғ туманида 30-50 см чуқурликда рух элементининг концентрацияси  $0,0691 \pm 0,0021$  ни ташкил этди.

Кузатиш ҳудудларида тупроқдан намуна олишни бошқариш тармоғи бўйича баҳолаш усули қўлланилди. Экотоксикантлар ҳам ҳудудий негизда, ҳам гигиеник асосланган даражада (тупроқни ифлосланиш индексини (ТИИ) ҳисоблаш учун ва тупроқни мос ҳолда тупроқни ифлосланишини (Zc) йиғинди даражасини баҳолашда), жумладан «мақсадли хавфли даража»да ҳам меъёрлаштирилди. Тупроқни ифлосланиш индексини ҳисоблашда (Cr, Cs, Rb, Zn, Co, SO<sub>4</sub>, CO<sub>2</sub>, PO<sub>4</sub>) Zc нинг асосий ингредиентлари киритилган. Ҳисоблаш натижалар тасдиқлайдики, Қашқадарё вилоятининг барча ўрганилган кузатиш ҳудудларида тупроқни оғир металллар билан ифлосланиш индекси 0,75 дан камлиги аниқланди.

Оғир металлларни техноген юкламасини ўрганиш мақсадида Қашқадарё вилоятининг аҳоли яшаш ҳудудларида тадқиқотлар ўтказилди: Қарши, Китоб, Муборак, Бойсун, Чирокчи, Косон, Ғузур туманлари ва Шўртан кимёвий мажмуасидан ҳосил бўлувчи оқава сувларни тозалаш қурилмаларида ўтказилди.

Сувда кимёвий моддалар бўйича сувни ифлосланиш ҳолатини баҳолаш учун меъёрий база бўлиб, сувдаги кимёвий моддаларнинг РЭМ меъёрлари СанҚ ва М 2.1.4.1074-01; хизмат қилади.

Сувдаги SO<sub>4</sub>, CO<sub>2</sub>, F, Cr, Cs, Rb, Zn ва Co лар миқдорини аниқлаш учун тупроқнинг кимёвий таҳлили Ўзбекистон Республикаси геология ва минералогия давлат қўмитасининг марказий лабораториясида ўтказилди. Сувнинг ифлосланишини йиғинди даражасини баҳолаш қабул қилинган шкалаларни қўллаш билан ўтказилди. Демак SO<sub>4</sub> (хавфлиликнинг 4 синфи, зарарлиликнинг лимит кўрсаткичи органолептик) ичимлик суви ва очик сув ҳавзалари сувидаги амалдаги концентрацияси РЭМдан паст. Истисно тариқасида Деҳқонобод туманидаги сув ҳавзасининг сув намуналари  $769,312 \pm 21,422$  мг/л ва Ғузур туманидаги оқава сув тозалаш қурилмалар цехи қабул қилиш камерасидаги сув намуналарининг  $726,013 \pm 23,951$  мг/л кўрсаткичлари бўлди. Сульфатлар РЭМини (хавфлиликнинг 4 синфи, зарарлиликнинг лимит кўрсаткичи органолептик) намуна олиш нуқталарида мос ҳолда 1,54 в 1,45 марта ортганлиги кузатилди.

Аниқландики, Китоб туманидаги ичимлик сувидаги фторнинг амалдаги концентрацияси (хавфлиликнинг 2 синфи, зарарлиликнинг лимит кўрсаткичи

санитар-токсикологик)  $0,1403 \pm 0,0072$  мг/л ни ташкил этди. Худди шу каби вазият Чирокчи туманида ҳам  $0,3021 \pm 0,0113$  мг/л юзага келган. Дехқонобод тумани сув ҳавзасининг сув намуналари  $0,2701 \pm 0,0112$  мг/л ва оқава сув тозалаш қурилмалар цеҳи қабул қилиш камерасидаги сув намуналарининг фтор концентрацияси  $0,24 \pm 0,007$  мг/л даражани ташкил этди. Хром концентрацияси (Cr, хавфлиликнинг 3 синфи, зарарлиликнинг лимит кўрсаткичи санитар-токсикологик). Чирокчи туманидаги суғориладиган сув намуналарида ( $0,062 \pm 0,0023$  мг/л) ва Дехқонобод туманидаги сув ҳавзалари сув намуналарида ( $0,021 \pm 0,0006$  мг/л) ўрнатилган РЭМдан ортади. Шунини таъкидлаш жоизки, сувдан олинган синамаларнинг барча 23та намунасида цезий аниқланади, унинг концентрацияси эса  $0,0011 \pm 0,00004$  дан  $0,0621 \pm 0,0023$  мг/л гача ўзгариб туради (Чирокчи туманидаги суғориладиган сувлар), бу ичимлик суви ва очик сув ҳавзаси сувларини цезий билан ифлослантирувчи манбаларнинг мавжудлигидан далолат беради. Сув намуналарини таҳлил қилишда рубидий миқдорини мониторинг қилиш (Rb, хавфлиликнинг 2 синфи, зарарлиликнинг лимит кўрсаткичи санитар-токсикологик), ОМ концентрциясини РЭМдан юқори эмаслигини аниқлашга имкон берди.

Текширишлар натижасида аниқландики, рухнинг миқдори (хавфлиликнинг 3 синфи, зарарлиликнинг лимит кўрсаткичи) РЭМдан кам. Рух элементнинг энг юқори концентрациялари Китоб туманидаги ( $0,5801 \pm 0,0271$  мг/л) ва Муборак туманидаги ( $0,5301 \pm 0,0201$  мг/л) ичимлик сув таркибида аниқланди. Кобальт концентрацияси (хавфлиликнинг 3 синфи, зарарлиликнинг лимит кўрсаткичи санитар-токсикологик) барча намуналарда РЭМдан ошмади.

Қашқадарё вилояти сувларида оғир металлларни сақланиши бўйича олиб борилган тадқиқотлар, уларда  $SO_4$ ,  $CO_2$ , F, Cr, Cs, Rb, Zn ва Со миқдори тўғрисида янги маълумотларни олишга имкон берди. Аниқландики,  $CO_2$ , Cs, Rb, Zn ва Со ларнинг сувдаги концентрациялари РЭМдан юқори эмас.

Хром концентрацияси (Cr, хавфлиликнинг 4 синфи, зарарлиликнинг лимит кўрсаткичи санитар-токсикологик) Чирокчи туманидаги ичимлик ва суғориш учун фойдаланиладиган сув намуналарида РЭМдан ортади ( $0,0521 \pm 0,0017$  ва  $0,0621 \pm 0,0023$  мг/л). Китоб тумани ( $0,5801 \pm 0,0271$  мг/л) ва Муборак тумани ( $0,5301 \pm 0,0201$  мг/л) ичимлик суви таркибида рух элементининг энг юқори концентрциялари аниқланди.


F, Rb ва Csлар учун сув сифати кўрсаткичларининг мажмуавий ҳисобланиши 0,16 га тенг, яъни 1 дан кам демакдир, бундан келиб чиқадики, Цезий (хавфлиликнинг 1 синфи), Рубидий (хавфлиликнинг 2 синфи) ва Фтор (хавфлиликнинг 2 синфи) йиғинди таъсир намоён этмайди.

Ўзбекистон Республикасининг жанубий минтақларидаги ичимлик суви намуналарини ўрганиш, барча намуналарда фторид-ионлар миқдорини 10 марта пасайишини кўрсатди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларида истиқомат қилувчи болаларда тишларнинг қаттиқ тўқималарида патологик жараёнларни ривожланишини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот

натижалари, ичимлик суви таркибидаги фтор ионлари концентрациясини пасайиши муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларидаги мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг стоматологик статуси**» деб номланган тўртинчи боби куйидаги бўлимлардан ташкил топган: «Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг оғиз бўшлиғи тўқималари ва органлари ҳолатини стоматологик тавсифи» бўлимида тиш кариес касалликларини тарқалиши, жадаллиги, оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати, парадонтнинг юмшоқ тўқималарининг ҳолати ва ҳар бир болани гигиеник кўникмаларга эга бўлиш даражаси баён этилган. Жанубий ҳудуднинг қатор туманларида истиқомат қилувчи мактабгача таълим ёшидаги болаларда стоматологик статусни ўрганишда тишларнинг нокариес касалликлари аниқланди (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларида истиқомат қилувчи мактабгача таълим ёшидаги болаларда нокариес касалликларнинг тарқалиши**

Нокариес касалликларни энг юқори даражада тарқалиши Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида 30%, Ғузур туманида 22,5%, Китоб туманида 18,5% ва Дехқонобод туманида 15% болалар орасида қайд этилди. Нокариес касалликлардан кўпроқ тугалланмаган амелогенез ва тиш эмалининг гипоплазияси учради.

Мактабгача таълим ёшидаги асосий гуруҳ болаларида (n=240) тишлар кариеси жадаллигини КПО+кп якуний кўрсаткичлари  $4,84 \pm 0,19$ , бу ЖССТнинг мезонлари бўйича жадалликнинг юқори даражасига мос келади. Назорат гуруҳ болаларида (n=40) эса  $2,41 \pm 0,31$  ташкил этди (1-жадвал.).

**1-жадвал.****Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг стоматологик статуси**

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=40)	Асосий гуруҳ (n=240)	Р
КПО+кп (кп)	2,41±0,31	4,84±0,19	<0,001
РМА	15,04±1,01%	19,08±0,67%	<0,001
ГИ	1,75±0,11	2,29±0,05	<0,001
Тишлар кариесини тарқалиши	85%	90,6%	

Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг (n=240) асосий гуруҳида оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатининг ўртача белгилари 2,29±0,05 ни ташкил этди, бу қониқарсиз оғиз бўшлиғи гигиенаси индексига мос келади. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг назорат гуруҳида (n=40) гигиена даражасини таҳлил қилинганда қониқарли гигиена индекси 1,75±0,11 ташкил этди.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг асосий ва назорат гуруҳларида яхши гигиеник даража қайд этилмади. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг асосий гуруҳида парадонтнинг юмшоқ тўқималари ҳолатининг ўртача белгиси 19,08±0,67, назорат гуруҳида эса 15,04±1,01 ни ташкил этди, бу МТЁБларнинг ҳар икки гуруҳидаги енгил даражали гингивитга мос келади.

**2-жадвал.****Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мактабгача таълим ёшидаги болаларда аралаш сўлакнинг физик-кимёвий хусусиятлари**

Кўрсаткич ммоль/л	Назорат гуруҳи (n=20)	Асосий гуруҳ (n=138)	Р
Кальций	1,875±0,121	1,21±0,063	<0,001
Фтор	0,0311±0,0014	0,0191±0,0001	<0,001
Фосфор	2,942±0,121	1,862±0,043	<0,001
рН	6,51±0,13	6,21±0,045	<0,05

Шундай қилиб, тишларни кариес билан юқори даражадаги зарарланиши, оғиз бўшлиғини қониқарсиз гигиеник ҳолати ва мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг парадонт тўқималарида яллиғланишнинг мавжудлиги даволаш-профилактик чора тадбирлар мажмусини ишлаб чиқиш ва қўллашни талаб этади.

«Мактабгача таълим ёшидаги болаларда оғиз бўшлиғи суюқлигининг физик-кимёвий хусусиятлари» бўлимидаги кўп сонли тадқиқотлар оғиз

бўшлиғи тўқима ва органларининг ҳолатини оғиз бўшлиғи суюқлигининг таркиби ва хусусиятларига боғлиқлигини ишончли равишда исботлайди. Шу ҳудудда истиқомат қилувчи мактабгача ёшдаги болаларда тишлар кариесининг тарқалиши ва жадаллигининг юқори кўрсаткичларини ҳисобга олиб, уларда оғиз бўшлиғи суюқлигининг қуйидаги параметрлари ўрганилди: водород кўрсаткич, сўлакдаги фтор, фосфор ва кальций миқдори (2-жадвал).


